

Сўнгги йилларда республикамызда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами ҳар томонлама қўллаб-қувватланыпти. Жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун қўмак берилиб, арзон уй-жойлар билан таъминланиб, тиббий хизмат ва турли маиший техникалар сотиб олишида бегараз ёрдам кўрсатилмоқда.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИНИ ИМЗОЛАШ КЕРАК



Шунга қарамасдан, жорий йилнинг 10 ойи давомида ногиронлиги бўлган 415 нафар шахс бир қатор жиноятлар содир этиб, уларга нисбатан суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Улардан 1 нафари 1-гуруҳ, 186 нафари 2-гуруҳ ва 228 нафари 3-гуруҳ ногиронларидир. Энг ачинарлиси, шу тоифадаги шахсларнинг 11 нафарини аёллар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ижроия қонунчилигида ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга нисбатан махсус воситалар ишлатиш тақиқланган. Шунингдек, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига бир ой давомида бошқа маҳкумларга нисбатан кўпроқ пул сарфлашга рухсат этилган. Бундан ташқари, уларга тиббий хулоса асосида қўшимча равишда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим ҳамда пойабзал сотиб олиш ҳуқуқи берилган. Ушбу тоифадаги маҳкумлар тиббий хулосада белгиланадиган миқдорда ва турларда қўшимча посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олиши мумкин. Улар меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этилади, истасалар таълим олишлари мумкин.

Биринчи гуруҳ ногиронлар содир этган

тартиббузарлигидан қатъи назар, интизомий бўлинмаларга киритилмайди. Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари озод этилишида, уларнинг қариндошлари ёки қариндошларининг ўрнини босувчи бошқа шахслар, маъмурий назорат остига олиниши лозим бўлган шахсларга нисбатан эса ички ишлар ҳудудий органларини олдиндан хабардор этади.

Жазони ижро этиш тизимида ногирон шахслар билан ишлашда бир қатор муаммолар мавжуд.

Биринчидан, ҳозирда ногиронлиги бўлган 415 нафар шахсдан 220 нафари ёки 53 фоизи ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиниб, ҳар бирига ўртача ойига 1 млн сўмга яқин иш ҳақи тўланмоқда. Бироқ 195 нафари меҳнатга жалб қилинмаган, шулардан 106 нафари жиноят содир этишда давлат ва фуқароларга моддий зарар етказиб, суд томонидан қарздор деб топилган. Шунини таъкидлаш жоизки, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этилиши уларнинг давлат ва фуқароларга етказган моддий зарарни ундиришда кийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Иккинчидан, маҳкум жазо муддатини учдан ёки тўртдан бир қисмини ўтагандан сўнг, агар интизомий жазоси бўлмаса, унга нисбатан инсонпарварлик далолатномаси қўлланилиб, қолган жазо муддатини очик тартибдаги манзил колонияларида ўташлиги белгиланган. Шу билан бирга, очик тартибли манзил колониялар асосан кишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва қурилиш ишларига ихтисослаштирилган. Бу эса ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат қилишига қатор нуқулайликлар туғдиради. Айниқса, биринчи гуруҳ ногиронлари оддий эҳтиёжларини амалга ошириш (юриши, овқатланиши, ҳожатхонага бориши ва ҳ.к.) учун алоҳида бир нафар маҳкум бириктирилган.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, юртимизда ногирон ва имконияти чекланган шахсларга бир қатор имтиёзлар берилса-да, улар томонидан жинойтлар содир этилишига

этилади:

Озодликдан маҳрум этилган ногиронлиги бўлган шахслар билан амалга оширилаётган ишлар сифатини янада яхшилаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва Ногиронлар жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзолаш керак.

Давлат ва фуқароларга етказган моддий зарарлари туфайли қарздор бўлган ногирон шахсларни енгил меҳнат турларига жалб



этиш зарур. Ногиронлар жамияти ушбу тоифадаги шахслар томонидан жинойт содир этиш сабаб ва омилларини ўрганиши ва таҳлил қилиб бориши мақсадга мувофиқ. Жазони ижро этиш муассасаларида ногирон шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида алоҳида хоналар ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

йўл қўйиб келинмоқда. Жазони ижро этиш тизимида ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқлари мавжуд бўлса-да, қонунчиликда ҳали ўрганилиб, тўлдирилиши керак бўлган бўшлиқлар учрамоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум этилган ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлашда қуйидагилар таклиф

**Комрон
РИХСИМОВ,**
ИИВ Ташкилий департаменти
Ахборот-таҳлил бошқармаси
муҳим топшириқлар
бўйича инспектори,
капитан.